Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 19 (20.886) 1991 йил 26 январь, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ХУШХАБАРЛАР

● ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ — АМАЛДА

ВЕТЕРАНЛАРГА АВТОМАШИНАЛАР

Республика Президентининг Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида уруш қатнашчилари, ногиронлари ва байналмилалчи жангчиларга қўшимча имтиёзлар бериш ҳақидаги Фармони Жиззах вилоятида уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

— Яқинда вилоятдаги биринчи ва иккинчи тоифа ногиронларидан 34 киши Президент Фармони асосида ажратилган «Запорожец» автомобилларини олишга муваффақ бўлдилар, — дейди вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бўлимининг етакчи мутахассиси Тошпўлат Очилов. — Улар орасида биринчи бор бундай шарафга муяссар бўлган машҳур чорвадор Ленин ордени ва «Октябрь Революцияси» ордени нишондори Олтибек Тўлаев ҳам бор. Қўшимча имтиёзлар ҳақидаги Фармон уруш ногиронларига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш имконини бермоқда.

● ЧОРВАЧИЛИК

ҒАМХЎРЛИК ВА МЕҲНАТ

Дўстлик райони давлат кооператив хўжаликлари чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказишга эришмоқдалар. Устма-уст ёққан қалин қор ва ҳароратнинг кескин пасайишидан ферма жамоаси довдираб қолмади.

Қишловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги бу осойишталикнинг бош омили деса бўлади. Қолаверса молбоқар ва сут соғувчилар ҳар онда ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни сезиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Қиш фасли арафасида чорвачилик фермалари жамоаларининг ҳар бир аъзосига юз сўмлик қўшимча иссиқ кийимлар олиб берилди. Биргина «Октябрь 50 йиллиги» хўжалигида пахтали иссиқ кийимлар, этик ва рўмол учун 3 минг сўм сарф этилди.

Яқинда район агросаноат кенгаши хўжаликларнинг соғиб олинган ҳар бир килограмм сути учун тўланадиган ҳақни икки баробар ошириш ҳақидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Эндиликда райондаги соғувчиларнинг энг кам ойлик даромади 500 сўмни ташкил этмоқда. Илғор соғувчилар эса 750—800 сўмга етказиб маош олмоқдалар. Ўз навбатида молбоқар ва ферма ишчиларининг меҳнат ҳақлари 30 фоиз оширилди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

● Булунғур районининг маркази бўлган Красногвардейск шаҳрида вино комбинати ўз оталиғидаги ўрта мактаб жамғармасига уч минг сўм пул ўтказди.

Шу маблағ ҳисобидан аввало камбағал оилаларнинг бу ерда ўқиётган фарзандларига ёрдам кўрсатилади. Улар учун ўқув қуроллари, кийим-кечак сотиб олинади. Вино комбинати жамоаси ёзги таътил вақтида мактаб биносини ремонт қилиб беришни ҳам ўз зиммасига олди.

Шаҳар кенгаши ёрдам фондидан мактабга яна икки минг сўм пул ажратилди. Бу пуллар ўқув базасини мустаҳкамлашга, энг яхши ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТГА ТАШАККУР

Республика халқ хўжалиги турли тармоқлари, фан ва маданият ходимлари, уруш ва меҳнат фахрийларидан бир гуруҳига СССР ва Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари топширилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти девонининг кичик мажлисхонаси кеча байрам кайфиятидаги кишилар билан гавжумлашди. Бу ерга турли ёшдаги турли касб эгалари, турли миллат намояндалари йиғилишди. Уларни бир-бирларига яқинлаштириб турган ришталар жуда кўп. Бугун бекордан-бекорга мунозара қиладиган вақт эмас. Нафсониятни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, умумий иш йўлида бирлашиш, осойишталик ва хотиржамликни таъминлаш керак. Фақат шундагина Ўзбекистон халқ хўжалигини қайта қуришда муайян муваффақиятларга эришилиши, жумҳуриятимиз мамлакат ягона халқ хўжалиги мажмуида ўзига муносиб ўрин оладиган юксак даражага чиқиши мумкин.

Мажлисхонага тўпланганлар айнан мана шу муштарак мақсадлар йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, бошқаларга ибрат кўрсатаётган кишилардир. Улар республика халқ хўжалиги, илм-фани ва санъати ривожига, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда фаол иштирок этишяпти. Халқимизнинг оғирини енгил қилишни ўзлари учун бурч деб биладилар. Шу боис кўпчилик кўнглини хушнуд этиб, элюрт ҳурматини қозонишяпти. Бундай кишилар бор бўлсин! Улар ҳаёт экан, Ўзбекистон ҳеч қачон доғда қолмайди. Ватан эса ўз навбатида уларнинг шарафли меҳнатини бир зум унутмайди. Ҳамиша юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов СССР ва Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларини топшира бошлади. Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармасининг «ИЛ—76» тайёраси экипажи ҳам бор. Само лочинлари қўшни Афғонистон жумҳуриятига халқ хўжалиги юкларини ташиб берадилар. Шундай парвозларнинг бирида ҳалокатли вазият юзага келди. Учувчиларимиз саросимага тушиб қолишмади. Бутун билим ва маҳоратларини ишга солиб, самолётни эсон-омон ерга қўндиришга муваффақ бўлдилар. СССР Президенти уларни тақдирлаш ҳақида Фармон чиқарди. Мана, бугундан бошлаб улар кўксида Ватаннинг «Шахсий жасорати учун» ордени порлай бошлади.

Президент бир гуруҳ ўртоқларга «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи», «Ўзбекистон ССР халқ артисти», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» каби қатор фахрий унвонлар бериш ҳақидаги гувоҳномалар ва кўкрак нишонларини топширди.

Мукофотга сазовор бўлганлар номидан сўзга чиққанлар самимий миннатдорчилик билдириб, Ватан ва республика бахт-саодати йўлида фидокорона ишлашга, бугунги серташвиш, ниҳоятда оғир шароитда халқимизни иқтисодий ва маънавий инқироздан олиб чиқишдек масъулиятли ҳамда мураккаб вазифани адо этишда, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда янада самарали меҳнат қилишга ваъда бердилар. Ёшларни меҳр-оқибатли, чин ватанпарвар ва асл халқ фарзандлари этиб тарбиялаш ишига бундан буён ҳам муносиб ҳисса қўшишга азму-қарор қилганликларини изҳор этишди. Жумладан, Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев бундай деди:

— Республикамиз раҳбарияти халқ меросини, тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини авайлаб-асраш, қайта тиклаш, ривожлантириш борасида анча-мунча хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Халқ ҳофизи фахрий унвони тиклангани ҳам шулардан биридир. Мен дастлабкилар қатори ушбу юксак унвонга сазовор бўлганимдан беҳад мамнунман. Кўча-кўйда, тўю томошада, қаерда бўлмайин, одамлар билан учрашганимда, улар мени табриклашар экан, айни пайтда жумҳуриятимизда рўй бераётган ажойиб ўзгаришлар учун ўзларининг миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган қалб сўзларини Сиз, Президентимизга етказиб қўйишимни сўрайдилар. Мен ана шу қиёмат қарзни ҳозир узаётганимдан бахтиёрман. Биз, кекса санъаткорлар бор ижрочилик маҳоратимизни ёшлар билан баҳам кўришни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Биз етолмаган чўққиларни ёшлар забт этишини истаймиз.

И. А. Каримов мукофотланганларни Ўзбекистон халқи номидан, республика раҳбарияти ва шахсан ўз номидан яна бир карра чин қалбдан қизғин қутлади. Уларга ишларида муваффақият, узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва яхши кайфият тилади.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, республика ташқи ишлар вазири С. О. Азимов иштирок этдилар.

Э. ХУЖАЕВ.

* * *

Суратда: мукофотларни топшириш пайти.

Р. Жуманиёзов, Ф. Қурбонбоев (ЎзТАГ) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ССР банк системаси, алоқа, нотариал идоралар муассасалари учун 1991 йил 26 ва 27 январни иш кунлари деб эълон қилиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 23 январдаги Фармонини бажариш учун қарор қилди:

Ўзбекистон Давлат банки, Ўзбекистон Жамғарма банки, Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги, ихтисослаштирилган банклар, Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги таклифига қўшилиб, молия-банк системаси, алоқа муассасалари ва нотариал идоралар учун 1991 йил 26 ва 27 январь соат 24 га қадар иш куни деб эълон қилинсин, уларнинг ходимлари меҳнатига белгиланган тартибда ҳақ тўлансин.

Республика банкларининг, Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигининг, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг раҳбарлари ўзларига бўйсунувчи муассасаларнинг СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини ўз вақтида алмаштиришни таъминлашга доир иши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигига пулларни банк муассасаларида ва уни ташиш чоғида сақлашни кучайтириш чораларини амалга ошириш топширилди.

• *Ҳаммани ташвишлантираётган масала*

ПЕШОНА ТЕРИ БИЛАН ТОПИЛГАН ПУЛ КУЙМАЙДИ

СССР Давлат банкининг Ўзбекистон жумҳурият банки биноси олдида тумонат одам. Улар турли ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг вакиллари. Ҳаммани бир масала ташвишлантирмоқда. Бу ерга ҳамма бир мақсадда — 1961 йилда чиқарилган 50 ва 100 сўмлик пулларни топширгани келишган...

Иккинчи қаватдаги кассалар олдида одамлар турна қатор. Юқори қаватлардаги турли хоналар ёнида ҳам навбатда турганлар тирбанд. Банк бошқаруви раиси биринчи муовини Р. Фаттоҳов билан суҳбатлашдик.

— Рашид Фаттоҳович, банк ходими сифатида ҳукуматнинг бундай тезкор тадбирига қандай қарайсиз?

— Зеро, республикамиз Президентининг Фармонида республикамиздаги миллий анъаналар, азалдан таркиб топган турмуш тарзи туфайли аҳолининг аксарият қисми жамғарма кассалари хизматидан фойдаланишга кўникмаганлиги катта эътиборга олинган. Шу боис 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш муддатлари узайтирилган. Мамлакат Президенти Фармони ва ҳукумат қарорига келсак, уни тўла амалга ошириш пировардида халқнинг манфаатларига хизмат қилади.

— Айтайлик, кўплар тўй-маъракa учун, иморат қуриш, турли жиҳозлар олиш ёки бошқа орзу-ниятлар билан ҳалол-покиза ишлаб, минглаб, борингки, ўн-ўн беш минг сўмлаб пул йиғишган, лекин уни алмаштиришга чўчиб, иккиланиб туришибди. Улар нима қилишлари керак?

— Ҳеч қандай иккиланишга ёки куюнишга ўрин йўқ. Ҳар бир фуқаронинг заҳмат чекиб, топган ҳалол пули банк ва шаҳар ижроқўмларига қошида тузилган ва 15 февралга қадар иш олиб борадиган махсус комиссияларнинг қарори билан алмаштириб берилади. Меҳнат қилиб пул топган ҳар бир киши унн топиш йўлларини, манбаларини ва йиғилиш сабабларини, албатта, маълумотлар билан далиллаб, исботлаб, кўрсатиб бера олади. Аминманки, пешона тери билан топилган пуллар куймайди.

— Қисқа муддатларда катта маблағларни қабул қилиб улгуриб бўладими?

— Мамлакат Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қароридаги муддатлар ниҳоятда қисқа эди. Ўзимиз ҳам бош қашиб қолдик. Аммо республикамиз Президенти Фармонида маҳаллий шароит, республиканинг ўзига хослиги ҳисобга олинганлиги айни муддао бўлди...

Соат 1 га, яъни пул қабул қилиш муддати тугашига 20 минут қолганда хонага бир неча киши кириб келишди. Булар шаҳардаги 1- ва 2-автокорхоналар вакиллари эди. Улар 94 минг 400 сўм ҳамда 37 минг 750 сўм миқдорида 50 ва 100 сўмлик пуллар олиб келишгани, аммо кассада маблағларни қабул қилишмаётганини айтиб, Р. Фаттоҳовга мурожаат қилишди. Бошқарув раиси муовини уларни бироз «сўроқлаб», зудлик билан тегишли ходимларга маблағларни қабул қилиш тўғрисида буйруқ берди. Фақат бу катта миқдордаги пуллар ички ишлар, давлат хавфсизлиги қўмитаси, банк ходимлари ва мазкур корхоналарнинг вакиллари иштирокида акт ҳамда бошқа тегишли далилловчи ҳужжатлар асосида қабул қилинадиган бўлди. Одамлар хонадан чиқиб кетишгач, раис муовинига юзландим.

— Рашид Фаттоҳович, бу корхоналарнинг маблағлари тақдири нима бўлади? Шунча миқдордаги 50 ва 100 сўмлик пуллар қандай йиғилиб қолган экан?

— Бу пуллар махсус 94-ҳисобга қабул қилинади. Кейин уни қай тариқа йиғилиб қолгани узил-кесил аниқланиб, таҳлил қилиниб, сўнгра алмаштириб берилади. Айнан шунча маблағнинг тўпланиб қолгани гумонли, албатта. Бироқ, агар унинг йиғилиши иш жараёни билан боғлиқ бўлиб, бу асосли далилланса, биз мазкур корхоналарнинг зарар кўришига йўл қўймаймиз. Дарвоқе, кези келганда айтиш керакки, айрим савдо ташкилотлари, дўконлардан ҳозир илгаргиларидан 15—20 баравар кўп миқдорда йирик пуллар қабул қилиб олдик. Бу уларнинг одатдаги кунлик савдо-сотиқ айланмаларига мос келадими, йўқми? Бу ҳам аниқликни талаб этади.

— Кўп миқдордаги маблағларни алмаштириб бериш учун пул заҳира (запас)лари етарлими?

— Етарли. Камлик қилиб қолса минтақалар, вилоятлар, районлар заҳираларини ўзаро барқарорлаштириш тадбирларини ҳам кўриб қўйганмиз. Қолаверса, марказдан ҳам пул заҳиралари вақтида етказиб келинади. 100 ва 50 сўмлик янги пул белгилари ҳам яқин орада муомалага чиқиб қолиши керак.

О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЖУРНАЛИСТ ВА ЖАМИЯТ

● 25 январь куни Тошкентда Ўзбекистон журналистларининг саккизинчи съезди очилди.

Газеталар ва журналларнинг, радио ва телевидениенинг, нашриётларнинг ходимлари, халқ ҳаёти ва орзу-умидларини ҳаққоний акс эттиришдек юксак вазифа ишониб топширилган бошқа жамоаларнинг вакиллари олдинги съездан сўнг ўтган йиллардаги ўз фаолияти якунларини муҳокама қилмоқдалар.

Съездда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг ушбу анжуман қатнашчиларига табрикномаси ўқиб эшиттирилди.

Республика журналистлари уюшмаси бошқарувининг раиси А. Ғ. Мухторов ва тафтиш комиссиясининг раиси В. Г. Алтунин маъруза қилдилар.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, қардош республикалардан келган меҳмонлар иштирок этишмоқда.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»

● Янги, 1991 йилда республикамизда кўплаб нашрлар дунёга келди. Уларнинг биринчи сонлари муштарийлар қўлига тегди. «Ўзбекистон матбуоти» ойномаси эса «Мухбир»нинг давоми сифатида нашр этилди.

Ўз муштарийлари билан кундалик мулоқотни узвий давом эттирувчи журналист, ойнаи жаҳон ва эфир тўлқинлари орқали янгиликларни ҳикоя этувчи радио ва тележурналистлар, уларнинг меҳнатини юзага чиқарувчи матбаачилар, инженер-техник ходимлар иш куни бошқа касб эгаларига нисбатан ўзгача, жозибали. Эрта саҳардан бошлаб, то оқшомгача, ҳаттоки, баъзида тонгни тонгга улаб меҳнат қилишга тўғри келади. Шу боис қаламкашларни, ноширларни элимиз эъзозлайди, ҳурмат қилади. Улар яратган ҳар бир сатр, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш тарихий солномасининг зарварақларидир.

«Ўзбекистон матбуоти» ойномаси Ўзбекистон ССР давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг нашри сифатида ижтимоий-сиёсий ойлик журналига айланди.

Ойнома саҳифаларини варақлаймиз. Мавзулар рангбаранг.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов республика ва Бутуниттифоқ оммавий



ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, Ўзбекистон раҳбариятининг бозор муносабатларига ўтиш даврида тутадиган йўлларини тушунтириб берди. Ойномада шу учрашувдан олинган ҳисобот эълон қилинган.

Саҳифаларда турли соҳа эгаларига минбар берилган. КПСС Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби С. Мамарасуловнинг «Фақат ҳақиқатни ёзайлик», профессор А. Аюповнинг «Муштарак мақсадлар сари» мақолалари муштарийларда катта таассурот уйғотиши турган гап.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси ҳаётидан олинган лавҳалар «Жўшқин дорилфунун» деб номланади. Унда рўзнома ижодкорларининг жўшқин меҳнати ҳикоя этилади.

СССР Журналистлар уюшмаси VII съезди арафасида турибмиз. Шу боисдан ҳам саҳифаларда шу мавзуга кенг ўрин берилган. «Сўз — ишчи-деҳқон мухбирларига», «Изланиш» клуби, «Ветеранларимиз», «Барҳаёт сиймолар» рукнлари остидаги лавҳалар ҳам ҳаяжон билан ўқилади.

«Ўзбекистон матбуоти» ойномаси қайта қуриш даврида қалам аҳлининг чинакам кўмакчиси бўлиб қолади, деган умиддамиз.

Жамоатчилик йиғилиши

Тошкентда жамоатчиликнинг Ҳиндистон миллий байрами — Республика кунига бағишланган йиғилиши бўлди. Йиғилишда сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар муттасил ривожланиб бораётганн ҳақида гапирдилар. Сўнгги вақтда бу муносабатлар янада мустаҳкамланмоқда.

Йиғилишда Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳиндистонлик талабалар, туристлар комплексини барпо этаётган қурувчилар қатнашдилар.

Йиғилишда Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош коньсули А. К. Мукержи сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА ССР ИТТИФОҚИ ВА РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ҚОНУН АСОСЛАРИ

Ушбу Қонун бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда давлат кафолатларини белгилаб беради.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Фуқароларнинг иш билан бандлиги**

1. Иш билан банд бўлиш фуқароларнинг ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва одатда уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган, СССР Конституциясига, республикаларнинг Конституцияларига зид бўлмаган фаолиятидир.

Фуқароларнинг унумли ва ижодий меҳнатга ўз қобилиятларини тасарруф этиш, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан, шу жумладан, ҳақ тўланадиган ишни бажариш билан боғлиқ фаолият бўлмаган (болаларни тарбиялаш, рўзғор юритиш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, жамоат фаолияти) билан шуғулланиши фақат уларнинг ўз ҳуқуқларидир. Меҳнат қилишга маъмурий йўл билан қандайдир шаклда мажбур этишга йўл қўйилмайди. ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Фуқароларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни маъмурий, жиноий ва ўзга жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди.

Давлат фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи амалга оширилиши учун шарт-шароит яратилишига қаратилган тўла, сермаҳсул ва эркин танлаб олинган иш билан шуғулланишга кўмаклашиш сиёсатини ўтказишни таъминлайди.

2. Қуйидагилар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киради:

ёлланиб ишловчи, шу жумладан, ҳақ эвазига тўла ёки тўла бўлмаган иш кунида (ҳафтасида) иш бажарувчи, шунингдек, тегишли шартнома (келишув, битим) билан тасдиқланган ҳақ тўланадиган ишга эга бўлган, лекин касаллик, отпуска, иш ташлаш, ишлаб чиқаришнинг вақтинча тўхтатиб қўйилиши муносабати билан вақтинча ишга чиқмаётган фуқаролар;

ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар, шу жумладан, ишбилармонлар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари, фермерлар ва улар оилаларининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган аъзолари;

ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган, тайинланган ёки тасдиқланган фуқаролар;

Қуролли Кучларда, чегара, ички ва темир йўл қўшинларида, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар идораларида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар;

бошқа мамлакатларнинг мамлакат ҳудудида вақтинча келган ва элчихоналар, миссиялар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ишловчи фуқаролари.

3. Республикалар қонунларида иш билан банд бўлган аҳолининг бошқа тоифалари кўзда тутилиши мумкин.

2-модда. **Ишсизлар**

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш билан таъминланмаган ва иш ҳақи (меҳнат даромади) бўлмаган, давлат иш билан таъминлаш идорасида иш қидираётган, меҳнатга қобилиятли ва меҳнат қилишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган ва шу идора тегишли ишни таклиф қилмаган меҳнатга лаёқатли фуқаролар ишсиз деб ҳисобланади.

Мақбул бўладиган иш топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда ишсизга касб тайёргарлигидан ўтиш ёки қайта тайёргарликдан ўтиш ёхуд ўз малакасини ошириш таклиф қилиниши мумкин.

Фуқароларни ишсизлар сифатида рўйхатга олиш тартибини ушбу Асосларни ҳисобга олиб, ССР Иттифоқи ва республикалар қонунлари белгилаб беради.

3-модда. **Мақбул бўладиган иш**

1. Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган фуқаролар учун уларнинг ёшини, меҳнат стажини ва олдинги касбига доир иш тажрибасини, янги иш жойига бориш учун транспорт қулайлигини ҳисобга олувчи, уларнинг касб тайёргарлигига мос келувчи иш мақбул иш деб ҳисобланади.

Агар иш:

уй-жой ва ўзга яшаш шароитлари ходим иш билан таъминлаш идорасига мурожаат қилишдан олдинги шароитга нисбатан унча қулай бўлмаган районлардан кўрсатилса;

доимий истиқомат жойидан анча узоқ бўлса;

иш ҳақи ва бошқа меҳнат шароитлари мазкур мутахассисликка (касбга) ва мазкур жойда ҳақ тўлашнинг ўртача даражасидан анча кам бўлса;

ишни рад этиш узрли сабабларга, жумладан, меҳнатчининг шахсий ёки оилавий аҳволига асосланган бўлса, бундай иш мақбул иш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

2. Ишсизликнинг дастлабки даври тугагандан сўнг фуқарога унинг касбига (мутахассислигига) мос иш топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда, фуқаронинг қобилиятини, унинг кучини, олдинги тажрибасини ва у фойдаланиши мумкин бўлган таълим воситаларини ҳисобга олиб, касбини (мутахассислигини) ўзгартиришни талаб қиладиган иш мақбул иш деб ҳисобланиши мумкин.

3. Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун олдиндан касб тайёргарлиги кўришни талаб қилувчи иш, бундай ишни таклиф этиш имконияти бўлмаган тақдирда, фуқаронинг ёшини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда меҳнат тўғрисидаги Қонун талабларини эътиборга олиб, ҳақ тўланадиган бошқа иш (шу жумладан, вақтинчалик иш) мақбул иш ҳисобланиши мумкин.

4. Республикаларнинг қонунлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари билан мақбул ишнинг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтирувчи бошқа мезонлари белгиланиши мумкин.

4-модда. **Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий қоидалари**

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсати қуйидаги қоидаларга асосланади:

меҳнат қилиш ва машғулотни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда ирқи, жинси, динга муносабати, ёши, сиёсий эътиқоди, миллати ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, СССРнинг барча фуқароларига тенг имкониятларни таъминлаш;

фуқароларнинг меҳнатдаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнаткашларни иш билан таъминлаш, меҳнат ва турмушнинг муносиб шароитларини таъминлайдиган серунум ва ижодий меҳнат қилиш қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва уни рағбатлантириш;

меҳнатнинг ихтиёрийлиги, шунга мувофиқ равишда иш билан таъминлашнинг фуқаролар ўз иродасини эркин намоён этишига асосланганлиги;

иш билан таъминлашга фаол кўмаклашиш ва ишсизликнинг олдини олиш;

Иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иш қидириб қийинчиликка учраган фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи махсус тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини иш билан таъминлашда республикаларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг мустақиллигини иш билан таъминлашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга доир марказлаштирилган тадбирлар билан боғлаш;

иш билан таъминлаш соҳасидаги фаолиятни ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари, шу жумладан ,ижтимоий таъминот, даромадларнинг ўсиши ва тақсимланиши, пул қадрсизланишининг олдини олиш билан мувофиқлаштириш;

иш билан таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда касаба уюшмаларининг, иш берувчилар уюшмалари (иттифоқлари)нинг давлат бошқаруви идоралари билан биргаликда иштирок этиши;

аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда, шу жумладан, совет фуқароларининг чет эллардаги касби билан боғлиқ фаолияти ва хорижий фуқароларнинг мамлакатдаги меҳнат фаолияти муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик қилиш.

5-модда. **Меҳнат қилиш ҳуқуқига давлат кафолатлари**

1. Давлат СССР фуқароларига:

а) текин умумий таълим ва касб тайёргарлиги, шунингдек, қайтадан тайёрлаш. Уларни таъминлаш тартиби ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунлари билан белгилаб берилади;

б) машғулот ва иш турини эркин танлаш;

в) мақбул ишни танлашда ва истеъдодига, қобилиятига, касб тайёргарлигига ва билимига мувофиқ ишга жойлаштиришда бепул кўмаклашиш;

г) камситишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоя қилиш ҳамда барча меҳнаткашларга касб ўрганиш ва иш билан таъминланишда, машғулот ва меҳнат шароитларини танлашда тенг имкониятларни таъминлаш;

д) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан олдиндан буюртма берилган давлат ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларга камида уч йилдан иборат даврга мақбул келадиган иш бериш;

е) амалдаги қонунларга мувофиқ бошқа жойга ишга юборилиш муносабати билан моддий харажатларни қоплаш;

ж) муддатли меҳнат шартномаларини тузиш ҳамда фуқароларнинг ёши ва ўзга хусусиятларини ҳисобга олиб ташкил этиладиган ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш кафолатларини беради.

2. Давлат идоралари ишчи кучига талаб ва таклиф, иш билан таъминлаш, касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарлик, касб танлаш ва ижтимоий-меҳнат қобилиятини тиклаш имкониятлари тўғрисида ҳисоблаш маълумотлари ва ахборот материаллари эълон қилинишини таъминлайди.

6-модда. **Аҳолининг айрим тоифалари учун иш билан таъминлашнинг қўшимча кафолатлари**

1. Давлат ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга муҳтож бўлган ва иш қидириб қийналаётган фуқароларни, шу жумладан, ёшларни, балоғатга етмаган болаларни, ногирон болаларни тарбиялаётган ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналарни, пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларни, байналмилалчи жангчиларни, ногиронларни, узоқ вақт ишсиз қолган шахсларни, жазони ижро этадиган ёки суд қарори билан мажбурий даволашни амалга оширадиган муассасалардан озод қилинган шахсларни (бундан буён ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож шахслар деб юритилади) қўшимча иш жойлари ва ихтисослаштирилган корхоналар барпо этиш, шу жумладан, ногиронлар меҳнати учун корхоналар барпо этиш, таълимнинг махсус дастурини ташкил этиш йўли билан ва бошқа чоралар ёрдамида иш билан таъминлаш учун қўшимча кафолатларни беради.

Фуқароларни мазкур гуруҳларнинг қайси бирига киритиш мезонлари республика қонунлари билан белгилаб берилади.

Халқ депутатлари Советлари амалдаги қонунларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан, солиқ имтиёзлари бериш ва бошқа манбалар ҳисобидан корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга фуқароларнинг мазкур гуруҳларини ишга қабул қилиш учун махсус иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаб беришлари мумкин.

2. Республикаларнинг қонунларида экология вазиятини яхшилашга доир тадбирлар муносабати билан табиий офат ва синиш натижасида тугатиладиган (қайтадан ташкил этиладиган) корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ишлаётган фуқароларга шу республикалар маблағи ҳисобидан қўшимча кафолатлар бериш кўзда тутилиши мумкин.

7-модда. **Иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар**

1. Иш билан таъминлаш соҳасидаги муносабатлар ушбу Асослар билан, ССР Иттифоқи ва республикаларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунлари ва унга мувофиқ равишда чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, коллектив битимлар (шартномалар) билан тартибга солиб турилади.

2. Иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар СССРда доимий яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (агар ССР Иттифоқи қонун ҳужжатларида ўзга ҳолат кўзда тутилмаган бўлса) нисбатан ҳам қўлланилади.

8-модда. **ССР Иттифоқи ва республикаларнинг ваколатларини фарқлаб қўйиш**

1. Қуйидагилар ССР Иттифоқи ихтиёридадир:

республикалар иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий қоидаларини белгилаш;

республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига доир фаолиятини мувофиқлаштириш, улар билан битим тузиш ҳамда бу соҳадаги умумиттифоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

барча республикалар учун мажбурий бўлган фуқароларни улар қаерда яшашидан қатъи назар, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг энг кам нормаларини белгилаб бериш.

2. Республикалар ўз ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг ушбу Асосларда ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни тўла-тўкис ҳажмда ҳал этадилар.

Республикаларнинг қонунларида, шунингдек, коллектив шартномаларда (битимларда) ишсизлик нафақасини тўлашнинг, мақбул ишни белгилашнинг, меҳнаткашларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кучайтиришнинг, шу жумладан, республикаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўлов муддатларини узайтириш ва нафақа миқдорини, шунингдек, таълим даврида тўланадиган стипендия (ҳақ тўланадиган жамоат ишларидаги меҳнат учун тўловлар) миқдорини кўпайтиришнинг ушбу Асосларга зид келмайдиган бошқа шартлари ва тартиби кўзда тутилиши мумкин.

II БЎЛИМ. СССР ФУҚАРОЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ ҲУҚУҚИ

9-модда. **Фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқи**

Фуқаролар корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, якка деҳқончилик (фермер) хўжаликларига ва бошқа иш берувчиларга бевосита мурожаат қилиш ёки иш билан таъминлаш давлат идорасининг бепул воситачилиги орқали мурожаат қилиш йўли билан иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишга қабул этиш тўғрисидаги қарор корхона, муассаса, ташкилот (бошқа иш берувчи) билан иш қидираётган фуқаро ўртасида ўзаро келишув асосида қабул қилинади.

Ишга жойлашиш чоғида меҳнат шартномалари (келишувлар, битимлар) тузиш тартиби ва шартлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

10-модда. **Фуқароларнинг касбга доир маслаҳат олиш, тайёргарлик, қайта тайёргарлик кўриш ва ахборот олиш ҳуқуқи**

Иш қидираётган шахс сифатида давлат иш билан таъминлаш идорасига мурожаат қилган фуқаролар касбга доир бепул маслаҳат олишга, тайёргарлик ва қайта тайёргарлик кўришга ҳамда машғулот турини, касбни, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида тегишли ахборотларни олишга ҳақлидир.

11-модда. **Фуқароларнинг чет элда касби билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи**

Фуқаролар вақтинча чет элда бўлган даврда ўз касбига боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Бундай фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тартиби, шунингдек, уларга воситачилик билан ёрдам бериш шартлари ССР Иттифоқи қонунлари билан белгилаб қўйилади.

12-модда. **Фуқароларнинг меҳнат соҳасида ижтимоий мадад олиш ҳуқуқи**

СССРнинг ҳар бир фуқароси меҳнат соҳасида ижтимоий мадад олиш ҳуқуқига эгадир.

Белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган шахслар ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эгадир.

13-модда. **Давлат иш билан таъминлаш идораси ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи**

Фуқаролар иш билан таъминлаш давлат идораси ходимларининг ҳаракатлари тўғрисида бу идора бўйсунадиган юқори органга, шунингдек, «Давлат бошқаруви идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида» СССР қонунида белгилаб қўйилган тартибда судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

III БЎЛИМ. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ БОШҚАРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

14-модда. **Иш билан таъминлашни бошқариш**

1. Аҳолининг эркин танлаб олинган унумли иш билан тўла таъминланишига кўмаклашиш мақсадида давлат:

ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, меҳнаткашларнинг имкониятларини оширишга, янги технологияларни яратишга, кичик корхоналар барпо этиш ҳамда меҳнатнинг ўзгарувчан режимларини жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган молиявий-кредит чораларини, инвестиция ва солиқ сиёсатини, иш жойлари системасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга кўмаклашадиган бошқа чораларни;

ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, уларга кафолат бериш, ишлаб чиқаришда қулай шароит яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат қонунларини такомиллаштириш асосида иш билан банд бўлишни сақлаб қолишга ва кўмаклашишга қаратилган ҳуқуқий чораларни кўзда тутади.

2. Давлат бошқаруви идоралари:

иқтисодиёт тузилишини таҳлилий тадқиқ этадилар ҳамда ишчи кучи сифати, иш билан таъминлаш, ишчи кучини тақсимлашда бўладиган ўзгартишларни олдиндан тахмин қиладилар;

иш билан таъминлашнинг халқ депутатлари тегишли Советлари томонидан тасдиқланадиган давлат дастурларини, шу жумладан, норма белгилаб қўйиш ва рухсат бериш асосида хорижий ишчи кучларни жалб этиш ва СССРда улардан фойдаланишга доир дастурни ишлаб чиқади ҳамда бундай дастурларни ўз ваколатлари доирасида амалга оширишни таъминлайди.

3. ССР Иттифоқи ҳудудида меҳнат бозоридаги ҳолатни ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳволни акс эттирувчи давлат ҳисоботи жорий этилади.

4. Иш билан таъминлашни бошқаришнинг амалда қўлланиладиган чоралари ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларига, коллектив шартномалар (битимлар)га ва ушбу Асосларга мувофиқ вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, Иттифоқ, республика ва маҳаллий даражада белгиланади.

15-модда. **Иш билан таъминлаш давлат дастурлари**

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг ишга эҳтиёжини қондириш, ишсизликнинг олдини олиш ва ишсизлик оқибатларидан ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида Иттифоқ, республика ва маҳаллий даражада иш билан таъминлашнинг давлат дастурлари ишлаб чиқилади.

2. Умумиттифоқ, республикалараро, республика давлат ва маҳаллий иш билан таъминлаш дастурлари қуйидагиларни кўзда тутади:

а) иш жойларини ривожлантириш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳолини иш билан таъминлашнинг сермаҳсул ва ўзгарувчан шаклларидан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш;

б) қишлоқ жойларда яшовчи аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш чоралари;

в) ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни, пенсия ёшидаги фуқароларни иш билан таъминлаш;

г) ишчи кучини такрорий ишлаб чиқариш системасини иш жойларини ривожлантириш, аҳолини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, касб танлаши, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда такомиллаштириш;

д) бўшаб қоладиган ходимларни биринчи навбатда халқ хўжалигининг ривожланаётган тармоқларига юбориш учун шароит яратиш;

е) давлат иш билан таъминлаш идоралари ташкилий тузилишини такомиллаштириш, унинг моддий, кадрлар, ахборот, ҳисобот, молия ва илмий-методик базасини барпо этиш;

ж) тегишли моддий ва молиявий воситаларни ажратиб фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари ихтиёрий равишда кўчишига кўмаклашиш.

Ушбу чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби ССР Иттифоқи ва республикалар қонунлари, шунингдек, республикаларнинг шартномалари (битимлари) билан белгиланади.

16-модда. **Устувор ривожланиш ҳудудлари**

СССР Вазирлар Маҳкамаси, республикалар ҳукумати иш жойларини ривожлантиришни давлат алоҳида рағбатлантирадиган ҳудудларини белгилаб беради. Бундай ҳудудлар (аввало, меҳнат ресурслари ортиқча, тоғли, қишлоқ ҳудудлари, Узоқ Шимол районлари ҳамда Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойлар) маълум даврга устувор ривожланиш ҳудуди мақомини олади.

Мазкур ҳудудларда цехлар, филиаллар ва иш жойлари ташкил этадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга фойдадан солиқ ундиришда имтиёзлар, ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда ва шартлар билан ўзга молиявий ёрдам берилади.

17-модда. **Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштириш комитетлари**

Иттифоқ, республика ва маҳаллий даражада иш билан таъминлаш сиёсатини белгилаш ва амалга оширишга доир ўзаро келишилган қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашиш мувофиқлаштириш комитетлари тузилади, уларнинг таркибига касаба уюшмаларининг, иш берувчилар уюшмаларининг ва давлат бошқаруви идораларининг вакиллари киради. Касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг вакиллари уларни вакил қилиб юборган ташкилотлар билан келишилгандан сўнг комитетлар таркибига баравар миқдорда киритилади.

Мувофиқлаштириш комитетларини ташкил этиш ва уларнинг иш тартибини комитетларга вакил юборган томонлар белгилайди.

Иттифоқ ва республика даражаларида иш билан таъминлашга кўмаклашиш мувофиқлаштириш комитетининг фаолиятини иш билан таъминлаш сиёсатини ўтказиш учун масъулият зиммасига юклатилган давлат идораларининг раҳбарлари ташкил этади.

Мувофиқлаштириш комитетларининг ваколатлари ҳамда вазифалари ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

18-модда. **Давлат иш билан таъминлаш идоралари**

1. Аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш ҳамда фуқароларга берилган тегишли кафолатларни таъминлаш учун бутун ССР Иттифоқи ҳудудида давлат иш билан таъминлаш идоралари барпо этилади.

Иттифоқ, республика ва маҳаллий даражаларда иш билан таъминлаш давлат идоралари фаолияти тегишли ҳокимият идораларининг раҳбарлигида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи комитетлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали амалга оширилади.

Иттифоқ даражасида давлат иш билан таъминлаш идораларини тузиш тартибини СССР Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради. Республикаларда иш билан таъминлаш давлат идораси ушбу республикалар қонунларида белгиланадиган тартибда тузилади.

Иш билан таъминлаш район, шаҳар (шаҳардаги район) маркази давлат иш билан таъминлаш идораларининг бошланғич бўғинидир. Бундай марказ фуқаролиги иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасидан ана шу мақсад учун кўзда тутилган маблағ ҳисобидан пул билан таъминланади.

Иш билан таъминлаш марказларида ижодкор ходимларни ва ноёб касб эгаларини ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи махсус бўлинмалар тузилиши мумкин.

2. Фуқароларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ хизматлар давлат идоралари томонидан бепул кўрсатилади.

3. Давлат иш билан таъминлаш идоралари таркибида мулкчилик ва хўжалик юритишнинг шаклларидан қатъи назар, давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлар ҳамда бошқа ишга ёлловчилар фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини ва иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларни ижро этишларини назорат қилувчи инспекция тузилади.

4. Совет фуқароларини, жумладан, чет элларда ишга жойлаштиришда пуллик хизмат қилувчи тижорат шўъбалари, агентликлар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига белгиланган тартибда бериладиган рухсатнома билан йўл қўйилади.

Касб танлаш, касб маҳоратини ошириш ва фуқароларни янги ишга тайёрлаш, ишга жойлаштириш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш учун тижорат ташкилотларига рухсатнома давлат иш билан таъминлаш идорасидан олинган тегишли сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина берилади.

19-модда. **Давлат иш билан таъминлаш идораларининг вазифаларн ва ҳуқуқлари**

1. Давлат иш билан таъминлаш идоралари:

ишчи кучига талаб ва таклифни таҳлил ва фараз қилади, меҳнат бозоридаги ҳолат ҳақида ахборот беради;

бўш иш жойларини ва ишга жойлаштириш масалалари билан мурожаат қилган фуқароларни ҳисобга олиб боради;

иш билан таъминлаш идорасига мурожаат қилган меҳнаткашларга ва ишга ёлловчиларга иш топиш ва ишчи кучи билан таъминлаш имкониятлари тўғрисида, касбларга ва ходимларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳамда иш билан таъминлашга доир бошқа масалалар тўғрисида маслаҳат беради;

мақбул ишни танлашда меҳнаткашларга, зарур ходимларни танлашда корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга ҳамда бошқа ишга ёлловчиларга ёрдам беради;

иш билан таъминлаш идоралари системасида ёки бошқа ўқув юртларида фуқароларга касб ўргатишни, уларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этади;

бўшаб қолган ходимларга ва иш билан банд бўлмаган аҳолига уларни ишга жойлаштириш, касб танлаш юзасидан хизмат кўрсатади;

ишсизларни рўйхатга олади ва уларга ўз ваколатлари доирасида ёрдам беради, жумладан, нафақа тўлайди;

иш билан таъминлашнинг умумиттифоқ, республика, вилоят (ўлка), шаҳар ва район дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этади, уларда аҳоли турли гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини кўзда тутади;

аҳолини иш билан таъминлашга тааллуқли масалаларни ҳал қилишда корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга кўмаклашади.

2. Иш билан таъминлаш давлат идоралари қуйидагиларга ҳақлидир:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатномаси асосида уларнинг номидан фуқароларни ишга жойлаштираётган пайтда олдиндан (зарур бўлганда) уларга касб ўргатиш, йўл харажатларини, йўлда бўлган ҳар бир кун учун ҳақ тўлаш, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан янги истиқомат ва иш жойига ўтиш чоғида нафақа тўлаш тўғрисида шартномалар тузиш;

иш билан банд бўлмаган фуқароларни уларнинг хоҳишига қараб белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган ижтимоий ишларга юбориш;

одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этиш;

одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди маблағлари ҳисобидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган кишиларга касб ўргатиш ва уларни қайта ўқитиш харажатларини тўлаш, шунингдек, уларга бутун ўқиш даврида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида кўзда тутилган миқдорда стипендиялар белгилаш;

белгиланган тартибда фуқароларга ишсизлик нафақаси бериш, ана шу нафақаларни тўлашни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш.

3. Давлат иш билан таъминлаш хизматининг таклифига кўра, халқ депутатлари Советлари республикаларнинг қонунларига мувофиқ ходимлар ишдан бўшатилгандан кейин уларни ишга жойлаштириш қийинлашган тақдирда корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ходимларни оммавий ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорини олти ой муддатгача тўхтатиб туришлари мумкин. Бунда муддатни кечиктириш туфайли корхоналар кўрадиган зарар қисман ёки тўла қопланади.

20-модда. **Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг одамларни иш билан таъминлаш давлат сиёсатини рўёбга чиқаришдаги иштироки**

1. Ўз фаолиятини ССР Иттифоқи ҳудудида амалга ошираётган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар давлатнинг одамларни иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширишга қуйидагилар асосида кўмаклашадилар:

ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларига мувофиқ меҳнат муносабатларини тартибга солиб турадиган шартномалар (битимлар) шартларига риоя этиш;

ишловчиларга касб ўргатиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароит яратиш;

халқ депутатлари маҳаллий Советлари аниқлаган миқдордаги ижтимоий ҳимояланишга муҳтож кишиларни ишга жойлаштириш;

бўш иш жойлари борлиги тўғрисидаги ва меҳнаткашлар ишдан бўшатилиши мумкинлиги ҳақидаги ахборотларни, жумладан ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзма баённомани, ишдан бўшатилиши мумкин бўлган меҳнаткашлар сони ва тоифаси ҳамда меҳнаткашларни ишдан бўшатиш мўлжалланган муддат тўғрисидаги кўрсатмани республикалар қонунларида белгиланган муддатда бериш.

Ушбу ахборот одамларни ишдан бўшатишнинг нохуш оқибатини енгиллаштириш юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш ва ўз вақтида чоралар кўриш учун давлат иш билан таъминлаш хизматига ҳамда касаба уюшмаси идорасига тақдим этилади.

2. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар белгиланган тартибда ногиронлар учун ихтисослаштирилган иш жойлари ташкил этишлари, мазкур талаб бажарилмаган тақдирда ногиронларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш учун одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондига тармоқ молия ажратмаларини ўтказишлари зарур. Бундай ажратмаларнинг миқдори республикалар қонунларида кўрсатилган тартибда ва шартлар асосида белгиланади.

Иш билан таъминловчиларнинг ногиронлар учун қўшимча иш жойлари ташкил этишга, ана шу тоифадаги кишиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга сарфлаган харажатлари халқ депутатлари Советларининг, шунингдек одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондининг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобига қопланиши мумкин.

Ногиронлар учун мўлжалланган иш жойлари фақат халқ депутатлари маҳаллий Советларининг розилиги билангина тугатилади.

3. СССР Вазирлар Маҳкамаси, республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижтимоий ҳимояланишга муҳтож фуқароларни ишга қабул қилганлик учун солиқлар ҳамда Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетга бошқа тўловлар юзасидан имтиёзлар (солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бутунлай озод қилгунга қадар) беришлари мумкин.

21-модда. **Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашишда касаба уюшмаларининг иштироки**

1. Касаба уюшмалари давлатнинг одамларни иш билан таъминлаш сиёсатини, ССР Иттифоқи ва республикаларнинг тегишли қонун ҳужжатларини ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

2. Давлат бошқарув идоралари, хўжалик идоралари ва касаба уюшмалари одамларни иш билан таъминлаш муаммолари юзасидан биргаликда мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб турадилар. Маслаҳатлашувлар натижалари асосида жамоа битимлари (шартномалари) тузилиши мумкин, одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашишга ва иш жойларини сақлаб қолишга, ишдан бўшатиладиган ходимларни, шунингдек ижтимоий ҳимояланишга муҳтож меҳнаткашларни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар, давлат бошқарув идораларининг одамларни иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий, молиявий шартлари тўғрисида ахборот беришга оид мажбуриятлари, одамларни иш билан таъминлаш соҳасида меҳнаткашларнинг манфаатларига дахлдор бўлган бошқа масалалар ана шу жамоа битимларига киритилади.

22-модда. **Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди**

1. Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди мустақил молиявий система сифатида ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида белгиланадиган тартибда маҳаллий, республика ва Иттифоқ даражасида ташкил этилади ҳамда ундан одамларни иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш ва одамларни иш билан таъминловчи давлат хизматининг самарали фаолиятига оид тадбирларни пул билан таъминлаш учун фойдаланилади.

(Давоми учинчи бетда).

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА ССР ИТТИФОҚИ ВА РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ҚОНУН АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

2. Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди маблағларини сарфлаш йўналишлари одамларни иш билан таъминлаш давлат дастурларида одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи тегишли мувофиқлаштирувчи комитетларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3. Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди:

мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативларнинг мажбурий ажратмалари;

Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари;

совет ва хорижий корхоналари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига ташкил этилади.

Унда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативларнинг ажратмалари ҳисобига ҳудудларда ташкил этиладиган одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди маблағларининг деярли 90 фоизи республиканинг ихтиёрида қолади ва камида 10 фоизи фондининг умумиттифоқ қисмига ўтказилади.

Мажбурий ажратмаларнинг аниқ миқдори, ана шу маблағларни сарфлаш тартиби ва шартлари ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида уларнинг ваколатлари доирасида белгилаб берилади.

4. Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди маблағларини одамларни иш билан таъминловчи давлат хизмати тасарруф этиш ваколатига эга.

5. Одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди тижорат фаолиятидан олинадиган даромадлардан, шунингдек иттифоқ бюджетига ўтказиладиган давлат ва божхона тўловларидан солиқ тўлашдан озод қилинади.

23-модда. **Жамоат ишларини ташкил этиш**

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари одамларни иш билан таъминловчи давлат хизматининг таклифига биноан ва унинг иштирокида ўз мулки бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳамда шартномалар асосида бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этадилар.

Жамоат ишларида қатнашишни истовчи кишилар билан бу ишларни икки ой муддатгача узайтириш тўғрисида шартнома тузилади. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқаролар устун даражада шартномалар тузиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Жамоат ишларини бажариш чоғида фуқароларга бажарилаётган ишга қараб, бироқ 15 фоиз оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш, ана шу ишлар муддатини умумий ва узлуксиз меҳнат стажига киритиш кафолати берилади. Буларга ижтимоий кафолатлар, жумладан пенсия таъминоти ва вақтинча ишга лаёқатсизлиги юзасидан нафақалар тўлаш ҳуқуқи жорий этилади.

Жамоат ишлари маҳаллий бюджет ҳисобига ва одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди маблағларини жалб этиш орқали пул билан таъминланади.

Жамоат ишларини ташкил этиш тартиби ва ўтказиш шартлари ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида белгилаб берилади.

24-модда. **Иш билан таъминланмаган фуқароларга касб ўргатиш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

1. Агар фуқаролар зарур касб малакасига эга бўлмаганлиги туфайли муносиб иш танлаши мумкин бўлмаса;

фуқаронинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги туфайли малакасини ўзгартириши зарур бўлса;

аввалги касби бўйича иш бажариш қобилиятига эга бўлмаса, одамларни иш билан таъминлаш хизматида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган кишиларга касб ўргатилади, уларнинг малакаси оширилади ва улар қайта тайёргарликдан ўтади.

2. Одамларни иш билан таъминловчи давлат хизматининг йўлланмаларига кўра бундай фуқароларга ана шу хизматнинг ўқув марказларида ёки бошқа ўқув муассасаларида одамларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фондининг ана шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлари ҳисобига касб ўргатилади, уларнинг малакаси оширилади ва улар қайта тайёргарликдан ўтади.

б) касб-кор ўрганиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланишига ҳамда шу даврни умумий ва узлуксиз меҳнат стажига қўшишга;

в) ишсизлик нафақалари тўлашга;

г) ишсиз фуқарога ва унинг оила аъзоларига кекса ва балоғатга етмаган боқувдагилар борлигини эътиборга олиб, моддий ёрдам беришга кафолат беради.

26-модда. **Корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан бўшатилган ходимларга моддий ёрдам беришнинг алоҳида кафолатлари**

1. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар қайта тузилиши ва тугатилиши ёки ходимлар сони (штатлар)ни қисқартириш тадбирларини амалга ошириш муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганида корхоналардан, муассасалардан, ташкилотлардан бўшатиладиган ходимларнинг иш қидириш даврида, аммо кўпи билан уч ой мобайнида ўртача иш ҳақи сақланади, бунда бўшатиш нафақаси ва узлуксиз иш стажи ҳисобга олинади, аммо бунда улар ишдан бўшатилгандан кейин 10 календар кун давомида иш билан таъминлаш муассасасида иш қидирувчи шахслар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт. Мазкур сабабларга биноан бўшатилган ходимларга ҳар қандай ҳолатда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Ишдан бўшаш ҳақи ва сақлаб қолинадиган ўртача иш ҳақи аввалги иш жойидан тўланади.

Башарти, бўшатиладиган ходимга уч ой муддат мобайнида муносиб иш топиб берилмаса, шунингдек шу даврда у таклиф этилган иккита мана шундай ишдан воз кечган тақдирда, ишсиз мақомига эга бўлади.

Тугатилаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда бўшатилган фуқаролар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган маблағ бўлмаса, товон тўлаш тўғрисида ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бир қарорга келинади.

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тугатилиши, қайта тузилиши, ходимлар сони (штатлар) қисқартирилиши муносабати билан улардан бўшатилган ҳамда янги иш жойида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қайтадан касб-кор ўрганаётган ёки малакасини ошираётган меҳнаткашларнинг бутун таълим даврида аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади. Солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқиш чоғида корхона, муассаса, ташкилотларнинг ялпи фойдаси миқдори уларнинг ходимларга касб-кор ўргатиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун сарфлаган маблағи миқдорида камайтирилади.

Агар бўшатилган ходимни ишга жойлаштириш учун даставвал малакасини ошириш ёки қайта ўқитиш талаб қилинса, ходим ишдан бўшатилишдан аввалги икки йил мобайнида мазкур корхонада ўз малакасини ошириш ёки ёндош касб эгаллаш имкониятига эга бўлмаган бўлса, бу ҳаражат ҳам ўша шартлар билан ходимни ишдан бўшатган корхона, ташкилот, муассаса маблағи ҳисобидан қопланади.

3. Зарурат бўлган тақдирда иш билан таъминлаш давлат муассасаси корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ишдан бўшатилган фуқароларнинг ўқишини ташкил этиш харажатларини тўла ёки қисман қоплаши мумкин.

4. Ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ишдан маҳрум бўлган ҳамда ишга жойлашишга ва касб-кор ўрганишга, малакасини оширишга ва қайта тайёрлашга муҳтож бўлган шахслар ишдан бўшатилган ходимларга тенглаштирилади.

27-модда. **Фуқароларга касб-кор ўрганиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш даврида тўланадиган стипендияларнинг миқдори**

1. Ишдан ва маошдан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган, иш билан таъминлаш муассасасида иш қидирувчи шахслар сифатида рўйхатдан ўтган фуқароларга касб-кор ўрганиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида:

болалари ва боқувда бошқа кишилари бўлмаганларга — аввалги иш жойидан тавсия этиладиган давлат тариф ставкалари (окладлари)га тадбиқан, нормаланган топшириқларни бажарганлик учун ишбай усулида олган қўшимча ёки устама ҳақни эътиборга олиб, ҳисоблаб чиқилган асосий иш ҳақининг (бундан буён асосий иш ҳақи деб юритилади) камида 50 фоизи миқдорида;

болалари ва боқувида бошқа кишилари бўлганларга аввалги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида стипендия тўланади.

Бунда стипендия миқдори ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва республика, ўлка, вилоятда таркиб топган ўртача иш ҳақининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

2. Биринчи марта иш қидираётган, меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатилган, шунингдек узоқ вақт ишламай юрган ва касб-кор ўрганишга, малака оширишга ва қайта тайёрлашга муҳтож бўлган фуқароларга стипендия ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида белгиланган миқдорда, аммо аҳолининг шу тоифаси учун кўзда тутилган ишсизлик нафақасидан оз бўлмаган миқдорда тайинланади.

28-модда. **Ишсизлик нафақаларини тўлаш шартлари ва муддатлари**

1. Ишсизлик нафақалари белгиланган тартибда ишсиз деб тоқилган фуқароларга тўланади.

Ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқи фуқаронинг иш билан таъминлаш давлат муассасасига мурожаат этган пайтидан бошлаб камида 11-куни бошланади ва ишга жойлаштириш тўғрисидаги масаласи ҳал этилгунча давом этади.

2. Нафақа тўлаш муддатлари республикаларнинг қонунларида белгилаб берилади, аммо ишдан ва маошдан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан кўпроқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини яна бошлашга интилувчи шахслар учун 12 ой даври мобайнида камида 26 календарь ҳафта ва биринчи бор иш қидирувчи шахслар учун 13 календарь ҳафта давомида тўланади.

Ишдан ва маошдан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган фуқаролар, агар ишсизлик бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида тўла иш куни (ҳафтаси) шароитида ёки тўла иш куни ҳафтасига эга бўлган 12 календарь айлантириб ҳисобланган тўлиқсиз иш куни (ҳафтаси) шароитида ҳақ тўланадиган ишга (меҳнат даромадига) эга бўлган бўлсалар, уларга ишсизлик нафақаси тўланади.

3. Ишсиз нафақа олиш даврида республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида ишга жойлашишга кўмаклашишга мажбурдир.

29-модда. **Пенсия ҳуқуқини берувчи иш „стажига" эга бўлган фуқароларга ишсизлик нафақасини тўлаш муддатларини узайтириш тартиби**

1. Умумий меҳнат стажи «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунига биноан пенсия (шу жумладан имтиёзли шартлар асосидаги пенсиялар) олиш ҳуқуқини берадиган фуқаролар учун ишсизлик нафақасини тўлаш даврининг муҳлати пенсия стажидан ортиқ бўлган ҳар бир иш йили учун белгиланган 26 календарь ҳафтасидан ташқари икки календарь ҳафта узайтирилади.

2. Умумий меҳнат стажи 52 календарь ҳафта давомида ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқини берадиган ишсизлар пенсияга муддатидан аввал (қонунда белгиланган муддатдан бир йил аввал) чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Республикаларнинг қонунларида кўрсатилган тоифадаги фуқароларнинг муддатдан аввал пенсияга чиқиш даври республикаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан узайтирилишини кўзда тутиш мумкин.

30-модда. **Ишсизлик нафақаси миқдорларини аниқлаш тартиби**

1. Ишдан ва маошдан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун ишсизлик нафақаси аввалги иш жойидаги йил учун ўртача ҳисоблаб чиқарилган асосий иш ҳақига нисбатан фоиз тарзида белгиланади.

Бошқа ҳамма ҳолларда, шу жумладан биринчи марта иш қидираётган фуқароларга ишсизлик нафақаси энг оз иш ҳақига нисбатан фоиз тарзида белгиланади.

2. 14 ёшга етмаган болалари ва боқимида бошқа кишилар бўлган ишсизларга нафақа миқдори республикаларнинг қонунларига мувофиқ оширилади.

3. Иш ҳақига коэффициентлар белгиланган районларда яшовчи шахсларга ишсизлик нафақаси миқдорлари уларнинг шу районларда яшаган даври учун мазкур районда ноишлаб чиқариш тармоқларининг ходимлари учун белгиланган коэффициентдан фойдаланиб белгиланади.

4. Ишсизлик нафақасининг миқдори белгиланган тартибда индексланиши лозим.

31.-модда. **Ишдан ва маошдан маҳрум бўлган шахслар учун ишсизлик нафақасининг энг оз миқдори**

1. Ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар иш ва маош (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган тақдирда уларга аввалги иш жойидаги асосий иш ҳақининг камида 50 фоизи, аммо ССР Иттифоқининг қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси тўлашга кафолат берилади.

2. Фуқаро ишсизлик нафақасини олиб турган даврда унинг узлуксиз меҳнат стажида танаффус бўлмайди.

3. Республикаларнинг қонунларида ўз маблағлари ҳисобидан умумий меҳнат стажини, оилавий аҳволини ва бошқа вазиятларни ҳисобга олиб нафақа миқдорлари ва уни тўлаш муддатларини узайтириш кўзда тутилиши мумкин.

32-модда. **Қуролли Кучлардан бўшатилган шахслар учун ишсизлик нафақасининг энг оз миқдори**

Қуролли Кучлардан, шунингдек чегара, ички, темир йўл ва бошқа турдаги қўшинлардан, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идораларидан ҳарбий хизматдан бўшатилган фуқаролар ССР Иттифоқи қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда нафақа миқдори ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Республикаларнинг қонунларида ўз маблағлари ҳисобидан нафақа беришнинг имтиёзлироқ шартлари белгиланиши мумкин.

33-модда. **Биринчи марта иш қидирувчи шахслар учун ишсизлик нафақасининг энг оз миқдори**

Биринчи марта иш қидирувчи ва ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга касб-кор ўрганиш ёки ишга жойлашиш учун иш билан таъминлаш муаммоси имконият бермаган тақдирда уларга ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақининг камида 75 фоизи миқдорида нафақа тўланишига кафолат берилади.

34-модда. **Узоқ муддат танаффусдан кейин иш қидирувчи шахслар учун ишсизлик нафақасининг энг оз миқдори**

Узоқ муддат танаффусдан кейин яна меҳнат фаолиятини бошлашга интилувчи фуқароларга қуйидаги миқдорларда нафақа тўланишига кафолат берилади:

а) касбга (ихтисосга) эга бўлган шахслар, шунингдек 12 ой мобайнида ҳақ тўланадиган бандлиги камида 12 календарь ҳафтани ташкил этган шахслар учун камида бир йил умумий меҳнат стажи бўлган тақдирда — дастлабки 13 календарь ҳафта мобайнида СССР қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақининг камида 100 фоизи ва шундан кейинги 13 календарь ҳафта мобайнида 75 фоизи миқдорида нафақа тўланади, бунинг учун уларнинг ишга жойлашиши касб-кор ўрганишни, малака оширишни ва қайта таълим олишни талаб қилмаслиги шарт;

б) бошқа ҳолларда, шу жумладан касби (ихтисоси) бўлмаган кишиларга ишга жойлаштириш муассасаси касб-кор ўрганиш имкониятини бермаган тақдирда ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида нафақа тўланади.

35-модда. **Касб-кор ўрганиш ва қайта тайёрлашни тугаллаган шахслар учун ишсизлик нафақасининг энг оз миқдорлари**

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда касб-кор ўрганиш ва қайта тайёрлашни тугаллаганидан кейин ишсиз деб топилган фуқаролар ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида белгиланган энг оз иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга.

36-модда. **Ишсизлик нафақаси тўлашни тўхтатиб туриш ва тугатиш**

Қуйидаги ҳолларда:

а) фуқаро муносиб иш икки марта таклиф қилинганида, шунингдек иш билан таъминлаш давлат муассасасининг йўлланмаси билан касб-кор ўрганиш, қайта таълим олиш тугалланганидан кейин мана шундай иш икки марта таклиф қилинганида улардан воз кечса;

б) фуқарога маҳрум бўлинган иш ҳақини қисман ва вақтинча тўлашни таъминлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан бўшаш вақтида белгиланган тартибда ишдан бўшаш нафақаси ва бошқа тўловлар берилган бўлса;

в) меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатилса;

г) аввалги иш жойидан узрли сабабларсиз ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган бўлса;

д) ишсизлик нафақасини олиш даврида иш билан давлат муассасасини хабардор қилмай вақтинча ишга жойлашса;

е) ушбу Асосларнинг 28-модда 3-банди шартларини бузса;

ж) фуқаро доимий истиқомат жойида бўлмаса;

з) ишсизлик нафақасини алдамчилик йўли билан олишга уринса ёки олса, ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойлик муддатгача тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши ёхуд унинг миқдори камайтирилиши мумкин.

37-модда. **Моддий ёрдам**

Ишсизнинг боқувидаги оила аъзоларига, шунингдек ишсизлик нафақаси тўлашнинг белгиланган муддати тугаши муносабати билан уни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган фуқароларга моддий ёрдам ва бошқа турдаги ёрдам, шу жумладан уй-жойдан, коммунал хизматлардан, жамоат транспортидан фойдаланиш учун дотациялар берилиши мумкин. Республика, халқ депутатлари маҳаллий Советлари бюджетларидан ажратиладиган моддий ва бошқа турдаги ёрдам бериш тартиби ва шартлари республикаларнинг қонунлари билан, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарори билан, шунингдек жамоа шартномалари (битимлари) билан белгиланади.

IV БЎЛИМ. ИШДАН МАҲРУМ БЎЛГАНДА ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР

25-модда. **Моддий мадад кафолатлари**

Давлат ишдан маҳрум бўлган, биринчи бор иш қидираётган, шунингдек узоқ танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини яна бошлашни истаган фуқароларга:

а) корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан бўшатилган ходимларга алоҳида кафолатлар берилишига;

V БЎЛИМ. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

38-модда. **Назорат қилувчи идоралар**

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни халқ депутатлари Советлари, тегишли давлат идоралари, касаба уюшмалари ва иш билан таъминлаш давлат муассасасининг инспекцияси амалга оширади.

39-модда. **Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Республикаларнинг қонунларида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 15 январь.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонун асосларини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонун асослари матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, «Ишдан маҳрум бўлинганида ижтимоий кафолотлар» деб аталган IV бўлими (25—37-моддалар) 1991 йил 1 июлидан кучга киритилсин.

Республикаларнинг Олий Кенгашлари зарур маблағлар мавжуд бўлган тақдирда асосларнинг «Ишдан маҳрум бўлинганида ижтимоий кафолотлар» деб аталган IV бўлимини муддатидан олдинроқ кучга киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси, агар республикаларнинг қонунларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативларнинг иш ҳақи маблағларидан 1 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалари, шунингдек иттифоқ, республикалар ва маҳаллий бюджетлардан бериладиган дотациялар ҳисобига ҳосил қилинади.

Республикаларнинг Олий Кенгашларига корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативларнинг иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат фондини шакллантиришда иштирок этишига оид қарорлар қабул этиш, шунингдек харажатларни, қонда тариқасида, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи ҳисобидан қоплаш тартибини белгилаш тавсия қилинсин.

СССР ҳукуматига иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасини ҳосил қилиш чораларини 1991 йил 1 февралидан, иттифоқ бюджетидан дотациялар қисмини эса 1992 йил 1 январдан кўриш топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари учун ишсизлик нафақалари миқдорини ҳисоблаб чиқариш мақсадида асосий иш ҳақи ўртача иш ҳақига асосланиб, ҳамма турдаги мукофотларни ва бир йўла бериладиган мукофотларни чегириб ташлаб, аниқланади.

4. Республикаларга 1991 йил учун:

ногиронлар учун муайян корхона, муассаса, ташкилотда ишловчилар сонининг 5 фоизигача миқдорда ихтисослаштирилган иш жойларини вужудга келтириш нормасини белгилаб қўйиш тавсия этилсин. Корхона, муассаса, ташкилот белгиланган нормани бажармаган тақдирда, қонун асосларининг 20-моддаси 2-бандида кўзда тутилган иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига шу мақсад учун ажратмалар вужудга келтирилмаган ҳар бир иш жойи учун корхона, муассаса, ташкилотда таркиб топган ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида ўтказилади;

фуқароларга ишсизлик нафақаларини тўлаш шарти сифатида — уларнинг иш даврини ишсизлик бошланишидан аввалги 12 ой мобайнида камида 36 календарь ҳафта қилиб белгилаш тавсия этилсин.

5. Иттифоқ Кенгашининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссияси, Иттифоқ Кенгашининг меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси, СССР Олий Кенгашининг, Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети СССР ҳукумати ва касаба уюшмалари билан, СССР Олий Кенгашининг бошқа комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда 1991 йилда «СССРда корхоналар тўғрисида»ги СССР қонунининг корхона синган, тугатилган ва қайта ташкил этилган тақдирда меҳнаткашлар билан биринчи галдаги ҳисоб-китобларни белгилаш қисмини ўзгартиришга оид таклифларни кўриб чиқиб, СССР Олий Кенгашига 1991 йилда тақдим этсинлар.

6. СССР Олий Кенгашининг фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитети, Иттифоқ Кенгашининг меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси СССР ҳукумати билан биргаликда Асосларнинг 32 моддасини ривожлантириб, пенсия ҳуқуқисиз хизматдан бўшатилган офицерлар, прапорщиклар, мичманлар ва муддатдан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун, Ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идораларининг бошлиқлари ва оддий ходимлари учун алоҳида кафолатларни кўзда тутувчи иттифоқ қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиб, 1991 йилнинг биринчи ярмида СССР Олий Кенгашига тақдим этсинлар.

7. СССР ҳукумати:

1991 йилнинг биринчи СССРнинг қонун ҳужжатларини қабул этилган асосларга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни 1991 йилнинг биринчи ярмида СССР Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этсин;

ССР Иттифоқи ва республикаларнинг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асосларини қўлланиш ҳақидаги зарур норматив ҳужжатларни бир ой муддатда қабул қилсин, бўшаб қолаётган ходимларга ва иш билан таъминланмаган аҳолига касб-кор ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системасини шакллантириш тартибини белгилаб берсин, шунингдек иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

СССР ҳукуматининг ҳужжатларини ССР Иттифоқи ва республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асосларига 1991 йил 1 июнгача мувофиқлаштириб олсин ҳамда СССР вазирликлари ва идораларининг асосларга зид келадиган норматив ҳужжатларини, шу жумладан йўриқларини қайта кўриб чиқиб, бекор қилишни таъминласин;

Совет фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш имкониятлари тўғрисида бошқа мамлакатлар билан музокаралар ўтказсин. Фуқароларнинг чет эллардаги касб-кор фаолияти даврида уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун махсус миграция муассасасини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин, шунингдек СССР фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш билан боғлиқ тижорат фирмалари фаолиятига рухсатномалар бериш тартиби ва шартларини белгиласин;

ССР Иттифоқи ва республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун Асосларини қўлланиш билан боғлиқ бўлган изоҳларни тақдим этиш тартибини белгиласин.

8. Республикаларнинг Олий Кенгашларига ССР Иттифоқи ва республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ зарур қонун ҳужжатларини қабул этиш тавсия қилинсин.

9. Республикаларнинг Олий Кенгашларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига аҳолини иш билан таъминлаш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўриш таклиф этилсин.

10. Республикаларнинг олий давлат идораларига республикаларнинг қонунларини Асосларга мувофиқлаштириб олиш тавсия этилсин.

Протокол тарзида.

1. СССР Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитетига СССР ҳукумати, СССР Олий Кенгашининг бошқа комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР Иттифоқи ва республикаларнинг меҳнат тўғрисидаги қонун Асослари, ССР Иттифоқи ва республикаларнинг фуқаролик қонун Асослари ва СССРнинг иш вақти тўғрисидаги қонуни лойиҳаларини тайёрлаш пайтида бир ташкилотга ёки минтақага бошқа ташкилот ва минтақанинг айби билан катта моддий зиён етказилган тақдирда мазкур зарар учун марказий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан товон тўланишини кўзда тутувчи меъёрларни мазкур қонун ҳужжатларига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилсин, кейинчалик бу зарар айбдор томондан ундириб олинади.

Катта моддий зиён етказадиган қамаллар ва ғайриқонуний бошқа ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида мазкур қонун меъёрини жорий этиш зарур.

2. Ушбу асослар 5-моддасининг «Д» банди давлат ўқув юртларига ўқишга кириб, уларни битириб чиққан ёш мутахассислар учун 1991 йил 1 сентябрдан жорий этилсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 15 январь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

МОСКВА ШАҲРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иттифоқ шартномасини ва РСФСРнинг федератив шартномасини ишлаб чиқиш, Москва шаҳрининг ССР Иттифоқи ва Россия Федерацияси пойтахти сифатидаги мавқеини ҳуқуқий расмийлаштириш, шаҳарнинг ҳаёт таъминоти ва фаолиятини нормаллаштириш зарурлиги муносабати билан қарор қиламан:

1. СССР Президенти комиссияси тайёрлаган материалларни, халқ депутатлари Москва шаҳар Советининг, меҳнат жамоалари ва айрим фуқароларнинг СССР ва РСФСР пойтахти бўлмиш Москва шаҳрини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига оид таклифларини кўриб чиқиш учун СССР Олий Кенгаши билан РСФСР Олий Кенгашининг вакилларидан иборат СССР Олий Кенгаши комитетининг раиси Ўртоқ Н. Д. Пивоваров бошчилигида қўшма комиссия тузилсин.

Комиссияга СССР ва РСФСР пойтахти — Москва шаҳрининг мақоми тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқиш топширилсин.

2. СССР Олий Кенгаши билан РСФСР Олий Кенгашига қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, белгиланган тартибда қабул қилиш тавсия этилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 23 январь.

УРУҒЧИЛИК ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИЛСИН

25 январь куни Тошкентда асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилиги муаммоларига бағишланган семинар-кенгаш бошланди. Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов очди.

Сифатли уруғлик — мўл ҳосилнинг энг муҳим асосидир, бироқ ҳозир Ўзбекистон уруғчилигидаги кўпгина вазифалар ҳал бўлмай турибди. Илмий муассасалар, уруғчилик базалари ва хўжаликлари ўртасидаги алоқалар кўп жойда издан чиққан, уруғликни етиштириш ва уни экишга тайёрлашнинг илғор ютуқлари ва усуллари суст жорий этилмоқда, янги нав ва гибридлар баъзан ҳозирги замон ишлаб чиқариши учун зарур бўлган сифатларга эга эмас. Деҳқонларга районлаштирилган нав уруғликларини етказиб бериш, тармоқни механизациялаш, уруғлик учун экилган экинларни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳамон ҳал бўлмай турибди.

Айни вақтда республиканинг кўпгина муассасалари ва хўжаликларида уруғчиликни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси бор, янги навларни кўпайтириш ва уларни сара уруғлик етиштирувчи совхозларга топширишнинг самарали усуллари топилган. Ўзбекистоннинг барча минтақаларида шу ютуқларни тезроқ жорий этиш уруғчиликни ривожлантиришни янги даражага кўтариш ва шу тармоқ деҳқончилик маҳсулоти ҳажми ва сифатини анча оширишни таъминлаш имконини бериши мумкин.

Семинар-кенгашнинг режасига мувофиқ уруғчиликнинг яқин йиллардаги йўналишлари муҳокама қилинади, тармоқ секцияларида иш олиб борилади.

(ЎзТАГ).

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШЯПТИ?

Республика прокуратурасига, халқ назорати комитетига иқтисодий бузғунчилик, савдодаги суиистеъмоллар, чайқовчилик тўғрисида тўхтовсиз мактублар келиб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи идораларга одамлар у ёки бу манзилгоҳга боришни, дўкон омборларини текширишни, нопок сотувчиларни жиноят устида қўлга туширишни сўраб қўнғироқ қилишяпти...

К. Яхшибоева Янгийўлдаги ёғни қайта ишлаш заводи ишидан шикоят қилиб хат ёзди. У омбор мол билан тўлиб кетганини, халқ эса бир шиша ҳам ёғ сотиб ололмаётганини, чунки завод гўё нарх-навонинг оширилишини кутаётганини хабар қилди. Тошкентлик келинкуёв Фоминлар Бешёғоч кўчасидаги келин-куёвлар дўконидан мебель сотиб олишолмаётганини хабар қилдилар. Гарчи бу ерда Астраханда ишлаб чиқарилган гарнитур турган бўлсада, уни йўқ деб ҳисобласа ҳам бўларкан — чунки у базадалигидаёқ гумдон қилинган экан. Бундай шикоятлар юзлаб келяпти.

Савдода тартиб ўрнатиш учун Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси савдода тартиб ўрнатиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли моллари билан бир меъёрда таъминлаш жумҳурият штабини тузди. Штаб ишида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, прокуратуранинг, халқ назорати комитетининг, касаба уюшмалари ишчи назорати ходимлари фаол иштирок этадилар. Улар мактуб ёки телефон орқали билдирилган ҳар бир шикоятни батафсил кўриб чиқадилар.

Савдода салбий ҳолатларга, иқтисодий бузғунчиликка дуч келган кишилар қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилиши мумкин:

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг штаби — 39-82-96.

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети — 33-69-76.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг республика ишчи назорати — 56-47-95.

(ЎзТАГ мухбири).

• *Спорт* •

● Олтинкўл районидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жумҳуриятнинг жисмоний тарбия масканларидан ҳисобланади. Бу ерда мингга яқин бола спорт турлари бўйича машғулотларга жалб қилинган. Машғулотлар учун имконият яратилган. Қариб 10 йил аввал Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия илмгоҳини битириб чиққан Ботиржон Муқимов болаларнинг севимли мураббийси ҳисобланади. У ёшларга беллашиш сирларини ўргатмоқда. Александр Пермин эса 50 дан ортиқ чарм қўлқоп ихлосмандларига устозлик қилмоқда.

Суратларда: спорт мактаби ҳаётидан лавҳалар.

Суратказ Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

• *Турли касб эгалари*

МУСАҲҲИҲ

Тошмат ака Ҳамидов 1930 йилларнинг бошида вилоят рўзномасида хабарлар ёзиб юрган ўспирин эди. Бир куни уни «Янги Фарғона» («Коммуна») вилоят рўзномаси муҳаррири ҳузурига чорлади.

— Хабарларингиздан аёнки, бехато ёзар экансиз. Бизга мусаҳҳиҳ бўлиб ўтмайсизми?

Навқирон Тошмат рози бўлди. Рўзнома ўша пайтларда лотин алифбосида босилар эди. Босма машиналар эски. Кўпинча туни билан меҳнат қилишга тўғри келарди. Саҳарлаб янги рўзномани алоқа хизмати ходимлари олиб кетгач, у ҳам уйга қайтарди. Қатағон йиллари рўзномада хато кетиши айниқса хавфли ҳисобланарди.

— Бир ҳарфнинг бежо кетиши инсон тақдирини ҳал қилиб қўядиган замонларни кўрдик, — дейди Т. Ҳамидов. — Ўша пайтлари мусаҳҳиҳхона таъбир жоиз бўлса рўзноманинг энг масъулиятли бўлими саналган. Бўёқ ҳиди анқиб турган саҳифа хаталардан тозаланиб, шаклланиб боришини кузатиш менга завқшавқ бағишларди. Назаримда, тайёр саҳифа юзаси булоқ кўзига ўхшарди.

Тошмат ака фақат Улуғ Ватан уруши давридагина қаламини қуролга алмашди. Москва остоналаридан Берлингача жанг қилди. Мусаҳҳиҳнинг жанггоҳлардаги жасорати медаллар, раҳматномалар билан тақдирланган. Урушдан кейин у яна қадрдон даргоҳ — рўзномага қайтди. 1987 йилгача бош мусаҳҳиҳ вазифасида ишлади. «Коммуна» даргоҳидан учирма бўлган ўнлаб адиблар, шоирлар, журналистларнинг аксарияти Тошмат акани устоз санайдилар. У ярим асрдан ортиқ вақт давомида астойдил тер тўкди. Кекса журналист ўқиб чиққан саҳифалар бир-бирига уланса, водийга тўшалгудек поёндоз ҳосил бўлиши мумкин. Бу муболаға эмас.

Тошмат ака ҳозир пенсияда бўлса-да, қаламини қўйган эмас. Ували-жували отахон ўзининг хабарлари, танқидий мақолалари билан жумҳурият рўзномалари саҳифаларида ҳам тез-тез кўринниб турибди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

28 январь — 3 февраль

• 28, душанба

ЎзТВ-I. 9.00 Болалар учун фильм. «Кичик боланинг катта ташвиши». 10.05 «Мусиқа дарси», «Бедана». Телевизион фильмлар. 10.35 «Умид учқунлари» (такрор). 11.15 «Юлька» Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 «Тадбиркор кишилар». 19.10 «Раққоса». Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева. Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот». 19.45 «Халқаро ҳаёт». 20.05 «Санъат олами». Мусаввир Тўхтабек Соипов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Созимиз — овозимиз». 21.30 «Время». 22.15 «Бўстон». Тележурнал. 23.25 «Қиз Жибек». Бадиий фильм, 1-серия. 00.35 Янгиликлар. 00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.05 «Ассалому алайкум (такрор.). 20.05 «Спринт». 20.20 «Совет киноси усталари». С. Тома. Тижорат кўрсатади. 21.00 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар». 21.30 «Время». 22.15 «Душанба оқшоми»да. Бадиий-публицистик видеоканал.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 «Мулоқот». 9.45 «Кулаётган одам». Уч серияли телевизион бадиий фильм. В. Гюгонинг шу номли романи асосида 1-серия. 11.00 «Давр кўзгуси». 11.45 Мультфильм. 12.00 «Қўшиқ ҳақида хотира». 12.30 «ТСН». 12.45 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 15,30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 10-серия. 16.40 «Денгиз синови». Телефильм премьераси. 17.10 «Вентспиль портидаги завод». 17.40 Болалар соати (немис тили дарси билан). 18.40 Ж. Горшвин «Порги ва Бесс симфоник манзараси». 19.00 «ТСН» 19.15 «Биз ва иқтисодиёт». 19.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 20.00 «Мулоқот». 20.15 «Кулаётган одам». Уч серияли телевизион бадиий фильм, 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Тунги телевидение. 00.15 «Бизнинг дала ҳовли». Телевизион бадиий фильм. 01.40 «Делегатскаядаги музей». 02.50 «1-қаторга чипта». Мусиқий мунажжим.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «Вера Мухинанинг васияти». Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Адабиёт. 10.05 Итальян тили. 11.05 Билимдонлар учун машқ. 11.50 ва 12.40 Биология. 12.10 Рус тили. 13.00 «Қайиқда ит ва уч киши». Телевизион бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 15.05 «Сўз билан юзма-юз». Фильм-концерт. 15.50 «Планета». Халқаро программа. 18.05 Мультфильм. 18.10 «Яшаш, ўйлаш, ҳис этиш, севиш керак». 19.00 «Вивальди-оркестр чалади». 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.15 Халқ куйлари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Россиянинг мунгли пейзажи». 21.30 «Время». 22.15 Коллаж. 22.20 Эстрада концерти. 22.50 «Бор-йўғи бир бурилиш». Телевизион бадиий фильм. 24.00 Хор куйларидан концерт. 01.50 Хоккей. СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик».

• 29, сешанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Куйла дуторим». 9.25 «Ота ўғиллар». Телефильм. 9.55 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор). 10.25 «Пётрнинг ёшлиги». Бадиий фильм, 1-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.20 «Кувноқлар даврасида». 18.50 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.30 «Ахборот». 19.45 «Ёшлик оқшоми». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тановар» ансамблининг концерти. 21.20 «Аньана». Телефильм. 21.30 «Время». 22.15 Спортлото. 22.20 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов куйлайди. 23.20 «Қиз Жибек». Бадиий фильм, 2-серия. 00.35 Янгиликлар. 00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.05 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чуккокопа». 20.00 «Лаҳза». Информацион кўрсатув. 20.10 «Бахт кулиб боққанда». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Ҳикмати рўзғор».

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30).. 9.30 Долзарб репортаж. 9.45 «Кулаётган одам». Бадиий фильм, 2-серия. 10.55 Болалар соати (немис тили дарси билан). 11.55 «Ичкерия — менинг қўшиғим». 12.30 «ТСН». 12.45 Хоккей. СССР чемпионати. «Крилья Советов»—МАСК. 15.00 «ТСН». 15.15 «Уйимиз ҳам ҳувиллаб қолди...». Ҳужжатли фильм. 15.30 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм, 11-серия. 16.25 «Голиблар». 17.25 Телефильмлар. 18.25 Мультфильм. 18.35 «Нодипломатик суҳбатлар». 19.00 «ТСН». 19.15 Болалар мусиқий клуби. «Тилла танга». Халқаро қўшиқлар танлови. 20.15 «Кулаётган одам». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 23.00 «Марио Ланца билан Муслим Магомаев ҳузурида икки оқшом». 1-кўрсатув. 23.45 «Кинопрограмма». Тунги телевидение. 01.05 «Фарятьев фантазиялари». Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 02.25 «Галатея». Фильм-балет. 03.20 «Ёнаётган қалб оҳанглари». Телевизион ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «Мусаввир ҳаётидан». Ф. Эрьян. Телефильм. 9.35 ва 10.35 Мусиқа. 4-синф. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.40 Биология. 6-синф. 11.55 «Компьютер билан мулоқот». 13.00 «Осиё овози». Эстрада дам олиш программаси, 1-қисм. 14.55 Ритмик гимнастика. 15.25 М. Горький. «Йиллар ва кунлар». Ҳужжатли фильм. 15.55 Талабалар хорининг концерти, 1-кўрсатув. 17.10 Болалар учун фильм. «Гулька». 17.35 Ритмик гимнастика. 18.05 «Тошдаги мусиқа». 18.35 «Лада» Англия»да. Телефильм. 18.45 А. Сафронов. «Юрак операцияси». Телеспектакль. 20.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.40 «Тандир, арча, олов...». Телефильм премьераси. Анъанавий ўзбек тандирини ясаш санъати ҳақида. 21.00 «Ленинград акварелляри». Фильм-концерт. 21.30 «Время». 22.15 «Мероскўр». Телефильм. 22.45 «Русофиллар кимлар?». 23.30 «Сизни Мигель Чавес таклиф этади». (Куба). 00.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Крилья Советов» — МАСК.

• 30, чоршанба

ЎзТВ-I. 9.00 Манзарали фильм. 9.30 «Тенгдошлар». 10.15 «Галия Измайлова рақсга тушади». 10.50 «Пётрнинг ёшлиги». Бадиий фильм, 2-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильмлар. 18.20 «Бу сирли олам». 19.00 «Замин саховати». 19.30 «Ахборот». 19.45 «Мулоҳаза. 20.15 «Сўх дарёси бўйлаб». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Коммуна Исмоилова. 23.35 Янгиликлар. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.05 «Бурч». 20.00 Информацион кўрсатув. 20.10 «Етти қария ва бир қиз». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Боз як барномаи жавони».

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ишчан чопар. 9.45 «Кулаётган одам». Телевизион бадиий фильм, 3-серия. 11.10 «Ибодатхонага йўл». Концерт-очерк. 11.30 Мультфильм. 11.45 «Марио Ланца билан Муслим Магомаев ҳузурида икки оқшом» 1-кўрсатув. 12.30 «ТСН». 12.45 «Кинопанорама». 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм, 12-серия. 16.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.35 «Жарликдан». Ҳужжатли-публицистик фильм премьераси, 2-фильм. «Одамлар ва уруш». 19.05 «ТСН». 19.25 Телефильм. 20.00 «Кулаётган одам». Телевизион бадиий фильм, 3-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Телескоп». 23.30 «Марио Ланца билан Муслим Магомаев ҳузурида икки оқшом», 2-кўрсатув. Тунги телевидение. 00.15 «Фарятьев фантазиялари». Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 01.25 «150 йилга тенг йўл». Актёр Садовскийлар сулоласи ҳақида. 01.35 «Стэп оҳангларида сайр». Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «Якшанбага экскурсия». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик, 3-синф. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Адабиёт, 7-синф. 12.05 «Сиз яратган боғ». 13.05 «Раддия». Уч серияли телевизион бадиий фильм, 1-серия. 14.15 «Фрянов сўқмоқлари», «Муҳофаза ёрлиғ» туркумидан. 14.50 А. Софронов «Юрак операцияси». Телеспектакль. 17. 15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.45 «Бу ажабтовур шведлар». 18.15 Ҳужжатли экран. 19.40 Мультфильм. 20.10 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.25 Коллаж. 20.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Телевизион мусиқий абонемент. 21.30 «Время». 22.15 «Одамлар менга қўшиқ ҳадя этишди». Мусиқий телефильм. 22.45 «Геннадий Гладков». фильм-концерт. 23.35 «Раддия». Уч серияли телевизион бадиий фильм, 1-серия.

• 31, пайшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Саховатли хоним». «Гўзал фариштa». Телефильмлар. 9.30 Қиш қувончлари. 9.55 «Ўғил бола гап». Бадиий фильм. 11.25 «Халқ куйи». Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Қўғирчоқлар менинг дўстларим». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот». 19.45 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.55 «Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 «Время». 22.15 Ойнаи жаҳон хазинасидан. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. Ойбекнинг «Навоий» романи асосида кўп серияли телевизион видеофильм, 1-қисм. 23.50 Янгиликлар. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ-II. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади «Бу оқшомда». 21.30 «Время». 22.15 «Оҳанги зиндаги». 23.15 фильм-концерт.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 9.45 Мультфильм. 10.00 «Биз излаймиз». 10.30 С. Лукин чалади. 10.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.45 «Марио Ланца билан Муслим Магомаев ҳузурида икки оқшом», 2-кўрсатув. 12.30 «ТСН». 12,45 «Болалигимиз булутлари». Телефильм. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 13-серия. 16.45 «Объектив». 17.30 Болалар учун фильм. «Қор маликасининг сири» 1-серия. 18.40 Шеърият лаҳзалари. 18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 «ТСН». 19.45 Оила экрани». «Хавфли ёш». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.30 «Эфирда мусиқа», 1 ва 2-қисмлар. Тунги телевидение. 00.30 «Фермер—90» Кантри ва фольклор мусиқа фестивали. 02.15 «Комик жазман ёки сэр Джон Фальстафнинг ишқий саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «Лось Курбас. Келажакни деб...». Ҳужжатли фильм. 9.45 ва 10.35 Табиатшунослик. 5-синф. 10.05 ва 10.55 Испан тили. 11.25 ва 12.35 Биология. 8-синф. Шаҳар табиати. 11.50 Педагогика ҳамма учун. 13.00 «Раддия». Телевизион бадиий фильм, 2-.ерия. 14.10 Ритмик гимнастика. 14.40 «Маримба понес» болалар ансамблининг концерти. 15.10 «Дато юлдузи» фильм премераси. 15.40 «Телевизион мусиқий абонемент». 16.25 «Милициядa бир кун». Телефильм. 17.45 «Стоп-кадр». 18.45 Ритмик гимнастика. 19.15 «Вертикаль» «Лебедия қироллиги қаерда?». Фильм премьераси. 20.05 Ф. Красиловский куйлайди. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Д. Шостакович. Скрипка ва оркестр учун 1-концерт. 21.30 «Время». 22.15 «Таъбирли қуш». Телефильм. 22.45 «Раддия» Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 23.55 «Агриппина Вагановa». Фильм-концерт.

• 1, жума

ЎзТВ-I. 9.00 «Митти циркчи». Бадиий фильм. 10.05 «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм, 1-қисм. 11.40 «Араб тили» (такрор). 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Чорраҳа. 18.50 Камер куйларидан концерт. 19.30 «Ахборот». 19.45 «Инсон ва қонун». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Навоий наволари». 21.30 «Время». 22.15 «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 2-қисм. 23.20 Янгиликлар. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.05 Мультфильм. 19.25 «Эсдалик учун дастхат». 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув. 20.10 «Билим» сарчашмаси». 20.50 «Гизела Ципола». Фильм-портрет. 21.30 «Время». 22.15 «Йўллар туташганда». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Мультфильм. 9.50 Оила экрани. «Хавфли ёш». Телевизион бадиий фильм. 11.35 Краснодар шаҳар ёшлар ансамблининг чиқиши. 11.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.30 «ТСН». 12.45 «Эфирда мусиқа». 1- ва 2-қисмлар. 15.30 «ТСН». 15.45 Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм, 14-серия. 16.45 «Дўстимиз Роллан». Ҳужжатли фильм. 17.05 Болалар учун фильм. «Қор маликасининг сири», 2-серия. 18.15 «Сиз яратган боғ». 18.45 «ВИД» программаси. 19.00 «ТСН». 19.15 «Резидентнинг хатоси». Бадиий фильм. 1 ва 2-қисмлар. 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» таништиради: «Взгляд». «Эмти-ви». Тунги телевидение. 01.15 «Марк Твен қарши». Телевизион бадиий фильм. 02.20 «Тош териш даври». Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Шокарим». Илмий-оммабоп фильм. 9.45 ва 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. 10.05 ва 10.55 Инглиз тили. 11.25 ва 12.40 Тарих. 8-синф. 11.55 «XX аср охирида ижтимоий фалсафа». 13.10 «Раддия». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.25 Россиянинг ҳужжатли экрани. 15.55 Халқ қўшиқлари танлови қатнашчилари ижро этади. 17.10 «Эртанги кун об-ҳавоси». Телефильм. 17.30 Спорт ҳамма учун. 17.45 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 19.20 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.35 «Поезд «Россия» деб аталади». Телефильм премьераси 1-фильм. 20.20 Коллаж. 20.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.40 «Поезд «Россия» деб аталади». Телефильм премьераси. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм. 23.25 «Гимназиячилар». Телефильм. 00.15 «Раддия». Телевизион бадиий фильм, 3-серия.

• 2, шанба

ЎзТВ-I. 8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 2-қисм. 10.05 «Муҳофаза». 10.35 Ўзбекистон спорти. 11.05 «Тоғдаги қор сирлари». Бадиий фильм. 12.20 Хоразм вилоятидаги Ал Хоразмий номли мактаб-интернат ўқитувчиси Рўзимбой Оллоберганов билан учрашув. 13.20 «Чорвадор». 13.50 Муборак газчилари. 18.00 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради» Қўғирчоқ фильм, 1-фильм. 18.20 Ўсмирлар учун «Тенгдошлар». 19.00 «Сумалак» ансамблининг концерти. 18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.30 Ахборот. 19.45 «Мерос». Алишер Навоий асарлари хорижий мамлакатларда. 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Ҳафтанома. 21.30 «Время». 22.15 «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм, 3-серия. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. Душанбе. 9.00 «Сапеда. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». 10.10 «Яхши» дегани нима?». 10.50 Кинопрограмма. 11.50 «Шарқ фирибгари». Бадиий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Шарқ фирибгари». Бадиий фильм. 19.20 «Бишнав аз най». «Маснавий маънавий». Жалолиддин Румий. 20.00 «Ҳафта». 20.30 «Чеҳраи ҳунар». 21.15 «Ажойиб қўллар». Кинолавҳа. 21.30 «Время». 22.15 «Атои саҳна». 23.15 «Телетомошабин ҳамроҳи».

МТ-I. 7.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди. 7.30 Мультфильм. 7.45 Спорт ҳамма учун. 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 Тонгги дам олиш программаси. 9.00 «Сиз яратган боғ». 9.30 «ТСН». 9.45 «Қизбурак». Фильм-концерт. 10.10 Мультфильмлар. 10.40 Адабий-бадиий программа. 12.25 Режиссёр Я. Фрид фильмлари. «Эркин шамол»., 1- ва 2-сериялар. 14.30 Илмий-оммабоп фильм. 15.30 «ТСН». 15.45 «Бурда моден» таклиф этади. 16.15 Босқичлар. 17.30 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Олтин ўрдак». 18.30 Халқаро панорама. 19.15 «Оқ соч Рок-н-ролл». Ҳужжатли мусиқий фильм. 20.10 «ТФ» студияси. «Меланхолик вальс». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 «ТФ» студияси танлови — 1990 йилги машҳур телекино актёрлари учрашувининг натижалари. 00.15 Рақслар, рақслар, рақслар. 01.25 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 02.30 А. Барикин ҳамда «Карнавал» группасининг концерти.

МТ-II. 8.30 Эрталабки бадантарбия. 8.45 РСФСР мусиқий фольклори концерти. 9.30 Рус тили. 10.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 10.30 А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейидаги XVIII аср Дрезден галереяси асарлари кўргазмаси ҳақида. 11.10 Педагогика ҳамма учун. 12.10 А. Герасимова куйлайди. 13.10 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Плюс ўн бир». Россия телевидениесининг программаси. 20.00 Вера Прокушева куйлайди. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 ТВ-ТУ ҳақида. 21.30 «Время». 22.15 «Серафима ороли». Бадиий фильм, 23.35 «Ялпиз гуллаганда». Фильм-концерт. 00.15 А. Цагарели. «Хонума». Фильм-спектакль. 02.35 «Джаз, джаз, джаз». I Бутунроссия танлови ҳақида.

• 3, якшанба

ЎзТВ-I. 8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Навоий». Кўп серияли видеофильм. 3-қисм. 11.30 «Омад ҳамиша кулавермайди». Кинокомедия. 10.20 Спорт кўрсатуви. 12.45 «Алифбо сабоқлари». 1-босқич. 13.20 Деҳқон ва замон. 14.40 Шеробод тузи. 18.00 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Қўғирчоқ фильм, 2-фильм. 18.10 «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.50 Мультипанорама. 19.30 Ахборот. 19.50 «Ўзбекистон» киножурнали. 20.00 Учрашув «Қизиқчи-90». 20.30 Ахборот. 20.50 Учрашув (давоми). 21.30 Время. 22.15 «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм, 4-қисм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. Душанбе. 9.00 «Савту калом». 9.55 Бизнинг хазинамиздан. 11.05 «Йўллар туташганда». Бадиий фильм. 18.00 Мультфильмлар. 18.20 «Светофор». 19.00 «Шўрохо: мархилаи нав». 19.30 Янгиликлар. 19.50 «Мерос». 20.30 «Ахбор». 20.50 «Рухшона» ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.15 «Нилуфар». 23.15 «Кутлуғ қадам». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программа.и. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.20 Қишлоқ янгиликлари. 14.20 «Сепсиз қиз». Бадиий фильм. 15.45 «ТСН». 16.00 «Здоровье. 16.30 Мультфильмлар. 16.55 «Том». 18.40 «Уолт Дисней таништиради....». 19.30 «Лаънати китоб». Мультфильм. 20.05 «Худонинг балоси». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.15 Аркадий Арканов дўстлари билан ва дўстлар учун. 00.35 Ўз-ўзингга мадад бер. 01.20 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 02.30 Мусиқий лифт. 03.30 «Янги йил детективи». Хореографик ҳазил.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Экранда «01». 9.10 Волейбол. СССР чемпионати. 10,00 Ж. Верди. «Травиата». 11.55 Мультфильмлар. 12.20 Кичик концерт. 12.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 16.30 Хоккей. СССР чемпионати. 18.15 «Осиё овози». Эстрада дам олиш программаси, 2-қисм. 19.45 Халқаро программа. 20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 21.15 Мастер, Маргарита. Испанчадан эркин таржима. Телефильм. 21.25 «Коллаж. 21.30 «Время». 22.15 Муаллифлик телевидениеси. «Эркин учиш», «Тунов куни», «Ибодатга чорловчи қўнғироқ овози». 00.15 Борис Штоколов концертларида. 00.50 «Америкача дуэль». Д. Биксбининг шу номли ҳикояси мотивлари асосида мусиқий томоша.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА ва «САМАРҚАНД»
АНСАМБЛИНИНГ ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ
Ансамблининг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг
«РЕСУРС» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ
совет сўмларига (шартномавий баҳоларда)
А-4 форматли «КАНОН» ФС-2, ФС-5 кўпайтириш техникасини;
«МУРАТА-5» факсимилли алоқа аппаратларини;
«ПАНАСОНИК»—КХ—Т 2429 дастурли, кўп вазифа бажарадиган ва бошқариладиган сўнгги авлод телефонларини, шунингдек, Польшада ишлаб чиқарилган «КОНВЕЛ ИИ» РЕТРО-ЗЕНИТ» ёзги савдо мебелини
СОТАДИ
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 22-мавзе; 13-уй. Телефонлар: 77-80-29, 74-63-00, 74-71-12.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/I да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**, 27/I да **Мирзо Улуғбек**.

АВРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/I да **Фармонбиби аразлади**, 27/I да **Кулги ва қўшиқ кечаси**.

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерация Кенгаши «Ишонч» ҳафталик рўзномаси жамоаси рўзнома бўлим мудҳаррири Т. Убайдуллаевга отаси

Йўлдош МАҲКАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи ректорати, партия ва касаба уюшмаси қўмиталари ҳамда тиббиёт жуғрофия куллиёти деканати, жамоат ташкилотлари табиий жуғрофия кафедрасининг доценти Х. С. Масудовга отаси

Сайфулла МАСУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Политехника олий билимгоҳи ректорати, касаба уюшмаси, фирқа ва жамоат ташкилотлари «Ачитқи — вино ишлаб чиқариш технологияси» кафедрасининг мудири, кимё фанлари номзоди, доцент

Суннат Умарович УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-